

ЎЗБЕК АВТОМО-
БИЛСОЗЛАРИ
ЎЗБЕКИСТОН
МУСТАҚИЛ-
ЛИГИНИНГ
10 ЙИЛЛИК
БАЙРАМИНИ
МУНОСИБ
СОВҒАЛАР
БИЛАН КУТИБ
ОЛМОҚДАЛАР



ТАДБИР

ТАДБИРКОРЛИК ФАОЛИЯТИ ҲИМОЯСИ АМАЛДА

Ўтган ҳафта Тошкент вилоят прокуратураси ташаббуси билан «Тадбиркорлар фаолиятига арилишиш, ғайриқонуний текширишларнинг олдини олиш, ҳуқуқ ва қонун билан қўрикланадиган манфатлари ҳимоясини амалда таъминлаш» мавзусида навбатдаги семинар бўлиб ўтди.

Унда вилоят Товар ишлаб чиқарувчи ва тадбиркорлар палатасининг раиси муовини В.Нурмухамедов, вилоят фермер ва деҳқон хўжаликлари уюшмаси раиси А.Қурбонов ва бошқа мутасадди идора вакиллари, туман прокурорлари ҳамда ўринбосарлари, тадбиркор ва ишбилармонлар иштирок этди.

Семинарни Тошкент вилоят прокурорининг биринчи ўринбосари У.Иномжонов очиб, мамлакатимизда хусусий, кичик ва ўрта тадбиркорликни ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратилаётганлиги, бироқ бу борада ҳамон суғий тўсиқларнинг мавжудлиги, тадбиркорлик фаолиятига назорат қилувчи органларнинг ғайриқонуний аралашлишлари давом этаётганлиги тўғрисида тўхталиб, жумладан шундай деди:

— Айни пайтда вилоятда фермер ва деҳқон хўжалик ҳамда кичик ва ўрта бизнес субъектларининг қонуний манфаатлари ҳимоясини амалда таъминлаш мамлакатимиз иқтисодини ривожлантиришнинг энг самарали йўли ҳисобланади. Тадбиркорлик фаолиятини ҳимоя қилиш прокуратура ходимларини бирламчи вазифаларидан бири бўлиши керак.

Шунингдек, семинарда тадбиркорлар ўзларининг фаолиятига тўсиқ бўлаётган айрим камчилик ва қонунбузарликлари бартараф этиш юзасидан фикрларини билдирдилар, таклифларни ўртага ташладилар ва ўзларини қизиқтирган саволларга жавоб олдилар.

(Ўз мухбиримиз)

ФАХРИЯ

ЎЗБЕКМАН

*Ўткинни эмасман, ўткинни дунё,
Менин қонларда битикларим бор.
Қўлдаги қаламим тавфатур энё,
Юлдузлар сарҳадни қўрсатур виқор.*

*Элимни тамани танним шунфот,
Юзларим равшани булоқларинидан.
Мангура зиллифар юртим байроғи,
Ариқда дуф оқар қишлоқларинида.*

*Нодифман буғун, Шўфарис, Лайли,
Шарифда келажак мени битта бекман.
Пешонам яфқираф эркак туфайли,
Жазонга тарафур номи - ўзбекман!*

Санобар ҚОДИРОВА

Ушбу сонда

... мафкура сиёсий ўйин ва пуч гоёлар билан халқни алдаш воситаси эмас, балки объектив заруриятдир. Ҳаётимизда етишмаётган мазмунни айнан мафкурадан қидиришимиз зарур, чунки МАФКУРА — бу МАҚСАД.

МИЛЛИЙ МАФКУРА
ВА ДАВЛАТ МУНОСАБАТИ

2 -
бет

Минглаб йиллик тарихга эга ўзбек халқи ҳаётида шундай урф-одатлар борки, улар авлоддан-авлодга ўтиб, сайқалланиб, инсонларни фақат эзгулик сари чорлаб келмоқда.

САРОБ

4 -
бет

Моҳият

Истиқлолни ҳимоялаш, уни қадрлаш, улуғлаш ва унга хизмат қилиш миллий онгимизга, ақидамизга айлансагина, бизни танлаган йўлимиздан ҳеч қандай куч қайтаролмайди, қаддимизни буколмайди.

Ислом КАРИМОВ

Эшитар қулоққа миннатдек туюлгани билан аёлнинг оғри-нишларида жўяли мантиқ бор эди. Турмуш ўртоғи Шермамат хоқисор ва меҳнаткаш йигит. Қавмлик ришталари улар тақдирини бир-бирига боғлаганидан ҳечам афсусланмаган.

ҚУРНАМАК

10 -
бет

«HUQUQ»

YURIDIK GAZETA

Ta'sischiilar

O'zbekiston Respublikasi
prokuraturasi,
Toshkent shahar va Toshkent
viloyati prokuraturalari,
«Qonun himoyasida»
jurnali

Bosh muharrir:

Abdusolix

ABDURAZZOQOV

Tahrir hay'ati:

Mels Naimov,
Komiljon Ismoilov,
Dilshod Islomov
(Bosh muharrir o'rinbosari),
Shavkat Yodgorov
(mas'ul kotib),
Lola Shomurodova,
Muxtor Shodmonov,
Ahmadjon Xudoyberganov

Gazeta Davlat matbuot
qo'mitasida №00150 raqam
bilan ro'yxatga olingan
Nashr ko'rsatkichi - 231, 232

Manzil: Toshkent shahri,
akademik Yahyo G'ulomov
ko'chasi, 66-uy.

Telefon: 133-82-34.

Reklama va e'lonlar:

77-68-67, 77-59-31.

E-mail: huquq@mail.UzNet.NET

Tahririyatga kelgan qo'yozma
va suratlar egalarga
qaytarilmaydi.
Mualliflarning fikrlari
tahririyat fikridan farqlanishi
mumkin. Gazetada bosilgan
fakt va dalillar uchun
muallif mas'ul.
Nashrimizdan ko'chirib
bosilganda «Huquq» dan
olinganligi ko'rsatilishi shart.
Tijorat ahamiyatiga molik
materiallar ** belgisi ostida
chop etiladi.

Gazeta tahririyat kompyuter
bazasida terildi va sahifalandi.
«Huquq» original-maketi

Gazeta «Sharq» nashriyot-matbaa
aksiyadorlik kompaniyasida ofset
usulida A-3 formatda
chop etildi.
Korxona manzili:
Toshkent shahri,
Buyuk Taron ko'chasi, 41.

Buyurtma	Г - 2649
Nusxasi	— 20609
Bosmaxonaga topshirish vaqti	20.00
Bosmaxonaga topshirildi	21.00
Gazeta haftanlang chorshanba kunlari chiqadi	
Navbatchi muharrir:	
H. NISHONOV	
Navbatchi:	N. MAHMUDOV
Sotuvda erkin narxda	
1 2 3 4 5 6 7 8	

МУШОХАДА

Миллий мафкура бугунги кунда жамиятимиз учун зарурятга айланди. Сабаби, аксариятимиз: «Мен жамият учун нима қилдим?» деб эмас, «Жамият менга нима қилиб берди?» деб ўйлашга ўрганиб қолганмиз. Жамиятда бўлаётган ўзгаришлар, унинг истикболи учун курашиш ҳиссидан анча узоқлашганмиз. Миллий мафкурага эҳтиёж, энг аввало, юрт тараққиёти йўлида ҳар бир инсон ўз бурчини, вазифасини тушуниб етиши билан боғлиқ. Совет тузумидан қолган оқибатлардан бири «мафкура» ва «идеология» сўзларининг кишилар онгига салбий тасаввур қолдиргани бўлди. Мафкура деганда кўпчилик, аввало, халқлар отаси Сталинни, Ленинни, КПССнинг саноксиз съездлари, террор йиллари, мафкуравий зўрлик ва бошқа кўпгина ёқимсиз шiorларни хотирлашди. Амир Темур ҳақида гапиргани учун, хорижнинг ютуқларини айтгани учун, инсоннинг оддий ҳуқуқларини талаб қилгани учун улар мафкуравий душман сифатида ўлимга маҳкум қилинганларнинг тақдирини эслашди.

МИЛЛИЙ МАФКУРА ВА ДАВЛАТ МУНОСАБАТИ

МАФКУРА сўзининг нейтрал мазмунини жамият онгига деформацияга учураган, чунки яқин тарихий ўтмиш натижасида мафкура расмий, озодлик ва эркинликни бўғадиган, сиёсий назорат, бошқача фикрлашни талаб қилиш синонимига айланган. Миллий ғояни излаш ташаббуси давлатдан чиққанлигига эса инсонлар онгини бош-қаршига интилиш каби қаралмоқда.

Яъни янги сиёсий элитанинг аҳолини ўз сиёсатининг қуролига айлантиришга интилиши сифатида. Аслида Ўзбекистон республикаси Конституциясида ҳам миллий мафкура асослаб берилган. Конституциянинг преамбуласида белгиланган «хуқуқий демократик давлат қуриш, инсонлар учун муносиб турмуш тарзини таъминлаш» каби ғоялар мафкура учун асос бўлади. Конституциянинг бошқа кўпгина моддаларида миллий мафкура учун таъин бўла оладиган ғоялар ўз аксини толган.

Сиёсий ҳокимият механизми элементи ижтимоий ҳаётни мафкуравий тартибга солишдир. Давлат сиёсатининг субъективлиги унинг жамиятнинг моддий, иқтисодий, сиёсий потенциаллини ягона мақсад йўлида сафарбар қила олишда намоён бўлади. Бу мақсад, албатта, фуқароларнинг муносиб ҳаёт тарзини таъминлаш, инсон ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилишда намоён бўлади. Бу эса давлат ўз фуқароларини ягона мақсад йўлида қай даражада бирлаштири олишига боғлиқ. Шунинг учун мафкура ҳуқуқ нормалари билан биргаликда давлатнинг мақсадга эришиш воситаларидан бири ҳисобланади.

Давлатнинг шахсга таъсири фақатгина мажбурлов ва зўрликка асослангани мумкин эмас, бундай давлат шакли узоқ яшай олмайди. Чунки у кучга асосланади. Айнан мафкура давлат ва индивид қадриятларини реал ёки тасаввурий бирлаштири олади. Турли ҳудудий, диний-этниқ, сиёсий бирликларнинг интеграциясини таъминлайди. Мафкура ана шу жиҳатдан ҳуқуқ билан жуда

яқин алоқада бўлади.

Ҳуқуқ жиноятни қатъий қоидалар билан тартибга солиб, императив характерга эга бўлса, мажбурлов воситалари билан таъминланса, мафкура йўналтирувчи эркин характерга эга. «Мафкура» атамаси XVIII асрда Дестют де Трассти томонидан фанга киритилган. Бироқ бу «унгача мафкура бўлмаган» деган тушунчани келтириб чиқармайди. Аристотель, Платон, Макиавелли, Бэкон ва бошқаларнинг асарларида, гарчи улар «мафкура» атамасини ишлатмаган бўлсалар-да, унинг моҳиятини очиб беришга ҳаракат қилинган.

Наполеон Бонапарт мафкурага салбий муносабатда бўлган ва Дестют де Трасстининг китобларини таъжиклаган. Бунга сабаб шу эдики, мафкуранинг энг нозик жойи — агар у жамият эҳтиёжидан ажралиб қолса, дахшати қуrolга айланган ва тоталитаризмни келтириб чиқарган бўларди.

Ана шу эҳтимолнинг олдини олиш учун Конституциямизда ҳеч қандай мафкуранинг давлат мафкураси сифатида ўрнатилмаслиги белгилаб қўйилган. «Аслида конструктив соғлом ғоялар ва умуминсоний қадриятларга асосланган мафкура давлатнинг узоқ йиллар давомида бир текис тарққий топиши кафолатидир».

Ҳар доим янгилаб, жамият эҳтиёжларига ҳамоҳанг бўлган миллий мафкура эркин жамият асоси бўлган ва ҳимоя функциясини бажарган. Миллий мафкура, кўпчилик ўйлаганидек, ҳумрон, тоталитар эмас. Кўпгина демократик давлатлар ҳам ўз мафкураларига эга. Бироқ, бу — миллий мафкуранинг ғоявий кураш майдонида ҳумронлигини англашмайди. Конституцияда сиёсий плюрализм, кўппартиявийлик, виждон, эътиқод эркинлиги белгилаб қўйилганда мафкура бошқа ғоялар билан рақобат қилади, уларнинг ижобий тарафларини ўзлаштирилади.

Бундай мафкура оғир даяларда жамиятни буюқ мақсадлар йўлида бирлаштирилганлигига далиллар кўп. Масалан: «Аме-

рика ғояси» ёки «Америка орзу»ни олиб кўрайлик: Президент Рузвельт давридаги буюқ депрессия йилларида иқтисодий ва сиёсий инқироз натижасида қимирлаб қолган АҚШ давлатчилик асосларини айнан мафкура мустаҳкамлади. АҚШ мафкурасининг асосини ватанпарварлик, эрк ва демократия ғоялари ташкил қиларди. У тарих ва Ватан олдидаги ўз вазифасини бажарди: жамиятни бирлаштири олади ва АҚШни бугунги даражага олиб келди.

Миллий мафкура бу умум эътироф этган қадриятлар тизими бўлиб, бунда ҳеч қандай қатъ-

ва бирлаштиришдир. Бундай фаолият конституцияга зид келмайди, чунки мафкура авторитар ёки репрессив хусусиятга эга эмас. Чунки миллий мафкура жамиятдаги бошқа ғояларга нисбатан багрикенглик муносабатида ва тенг ҳуқуқли бўлади.

Миллий мафкура бошқа ғоялар билан бир хил шароит ва шартларда ўз ўрни учун рақобат қилади. Давлат бошқа қадриятларни ижтимоий ҳаётдан чиқариб ташлашга интилмайдиган ҳурфикрликлари таъкид қилмайди. Жамият ҳаётидаги ранг-барангликни таъминлайди. Миллий мафкура фақатгина барчани бирлаштиришга қодир бўлган қадриятлар мавжудлигига ишонтаришга ҳаракат қилади. Миллий мафкура жамиятда мавжуд бўлган кўплаб ғояларнинг бири, ҳолос.

Мафкуравий хилма-хилликни

ий тизим ҳам, иерархия ҳам йўқ, чунки у давлат ва фуқаролар истагидан келиб чиқиб, доимо ривожланиб боради.

Мафкура жамият ҳаётининг барча соҳаларини қамраб олмасдан, балки маълум чегаралар доирасида ҳаракат қилади. Ҳаддан ташқари мафкуралашув, гипермафкура, сиёсатнинг мафкуралашуви салбий оқибатларга олиб келиши мумкин. Давлат фақатгина ижро этиш, қонун чиқариш ва жазолаш билан шугулланувчи органлар йиғиндиси эмас, у жамиятнинг тўғри йўлдан ривожланиши, мафкуравий таъхидлардан ҳимоя қилиш учун масъулдир. Давлат жамиятдаги барча табақа ва гуруҳларнинг манфаатларини ифода қилади. Бинобарин, у фақатгина жамиятга хизмат қила оладиган ғояларга умуммиллий тус бера олади.

Давлат мафкураси бўлиши ҳам мумкин эмас, бироқ давлатнинг ғоявий кураш майдонидан умуман кетиши анархияга ва мафкуравий бўшлиқ пайдо бўлишига олиб келади. Зеро, давлат маълум даражада миллий мафкуранинг шаклланиши ва ривожланиши учун таъсир кўрсатиши зарур. Чунки мафкура жамият учун хизмат қилади, давлат эса жамият учун масъул. Яъни давлат фақатгина тор доирадаги гуруҳларнинг мафкуравий майдонда ҳумронлиқ қилишига йўл қўймаслиги керак.

XII аср ҳақиқатини ҳам информатсион технологиялар ва технотрон асри бўлмоқда. Бироқ илм-фани турли мақсадларда ишлатиш мумкин, шу сабабли ҳақон ҳарбий-сиёсий терминологиясида «информатсион уруш» деган термин пайдо бўлди. Танқид ва самолётлар, қилич ва найзалар даври - позициялар урушлар ортда қолди. Жамият онгига мафкуравий ҳужумнинг аҳамияти ортиб бормоқда. Бироқ мафкуранинг муҳим функцияси бирлаштиришдир.

Давлатнинг мафкуравий майдондаги вазифаси янги мафкура яратиш эмас, балки жамият онгига мавжуд бўлган, ўз ўрнига эга бўлган қадриятларни излаш

эълон қилган ва уни амалга ошираётган энг демократик давлат ҳам жамиятнинг пароканда қилмай, давлат тузумини ноқонуний тарзда ўзгаришига чакирувчи ғояларнинг тарғиб қилинишига йўл қўя олмайди. Айнан давлат жамият тинчлиги ва ҳавфсизлигини ҳимоя қилувчи, деструктив ғояларга қарши мажбурлов чораларини қўлловчи цензор қиёфасида намоён бўлади. Шу сабабли барча демократик давлатларда давлат бирлигини бузиш амалдаги ҳокимиятни гайриконуний равишда ағдариб ташлаш, миллий, ирқий, диний, ижтимоий адоватни тарғиб қилувчи, ахлоқ ва маънавият, соғлиққа таҳдид солувчи сиёсий уюшмалар таъқиқланган. Давлат онгли равишда сиёсат субъектларининг мафкуравий фаолиятини тартибга солиб, жамият бирлигига ҳавф солувчи мафкуравий тизимларга қарши курашади.

Ижтимоий ҳаётда барча учун умумий бўлган, бироқ турлича ифодаланган объектив қадриятлар борлиги ҳақиқатдир. Инсон ҳаёти, унинг озодлиги, ижтимоий тинчлик, инсонга муносиб ҳаёт тарзи, фарзандлар қамолоти ва Ватани билан фахрланиш барча учун ҳам умумий.

Ёш ўзбек давлатчилиги улкан синовлар олдида турибди. Мустақил давлатимиз фуқароларини миллат равақига, юрт тараққиёти учун бирлаштириб, янги муваффақиятлар сари илҳомлантири оладиган, Ватанга муҳаббат, эртанги кунга умид уйғота оладиган, ёш авлодни тўғри тарбиялаб, Ватан ҳимояси учун сафарбар қила оладиган восита **МИЛЛИЙ МАФКУРАДИР**.

Хулоса қилиб шуни айтиш мумкинки, мафкура сиёсий ўйин ва пуч ғоялар билан халқни алдаш воситаси эмас, балки объектив зарурятдир. Ҳаётимизда етишмаётган мазмунини айнан мафкурадан қидиришимиз зарур, чунки **МАФКУРА** бу **МАҚСАДДИР**.

Нилуфар МҲМИНОВА,
ТДЮИ талабаси

НУҚТАИ НАЗАР

ХАБАР

ЯНГИЧА ФИКР — ЯНГИЧА МАСЪУЛИЯТДИР

Яқинда бир фан номзода — олима билан суҳбатлашиб қолдим. Очик гап, у ўз ишининг устаси, ёш бўлса-да мутахассис сифатида «анча-мунча нарсага» эришиб қўйган, қисқаси, мамлакатимиздаги илгор ёшлардан эди. Замоновий фан тармоғи — генетик инженериянинг биомолекуляр биология тармоғида яхшигина кашфиётларнинг эгаси бўлган бу олимани суҳбатга тортдим: — Хўш, кашфиётларингиздан ўзингиз қанчалик манфаат кўраясиз?

Бу саволим жавобсиз қолди. Тўғри, маънавий манфаатдорлик ҳақида гап кетар экан, анчагина «осмондан келиш» мумкин. Лекин менинг саволим олиманинг шахсий манфаатдорлиги масаласига дахлдор эди. Маълум бўлишча, у ёш оиланинг эгаси экан, уйл-жойли бўлиш, рўзгор бутлаш, замоновий тарзда турмуш кечириш бундай шароитда ҳар доим долзарб бўлиб келган.

Минг афсуски, олимага ҳар ким ўз интеллектуал мулкнинг «мева»сидан баҳраманд бўлишга ҳақли эканлигини, «муаллифлик ҳуқуқи» қонун билан мустаҳкамланганлигини ўқтиришга тўғри келди. Ҳаммасидан ачинарлиси, қаҳрамоним ёш бўлса-да, «замоновий фикрлаш»дан, бозор иқтисодиёти қонунларини англаб етишдан анчагина йироқда эканлиги маълум бўлиб қолди.

Ҳаммага беш қўлдай аён ҳақиқат: «Агар сен одамларга манфаат келтирадиган кашфиёт (интеллектуал янгиллик) қилган бўлсан, уни соти ёки тегишли шартнома асосида амалиётга татбиқ эт, сен ҳам

манфаатдор бўл, бошқалар ҳам, деб изоҳлаш мумкинлигини тушуниш учун олим бўлиш шарт эмас. Ҳамма гап шундаки, ҳаттоки, ёшларимиз ҳам бундай масалаларни ечишнинг ҳуқуқий механизмидан билимайди. Ёхуд билишса ҳам тегишли ҳуқуқий кўникма ёки тахрибага эга эмас. Бу — мамлакатимизда интеллектуал бозорнинг шаклланишига тўсиқ бўлаётган оддий бир сабаб. Албатта, бошқа сабаблар қаторида инфратузилмаларнинг ҳали тўлиқ бозор муносабатларига ўтмаганлигини, бюрократик тартибларнинг қучилишини ва албатта менталитетимизга ёпишиб қолган баъзи

иллатларни келтириб ўтиш мумкин. Айнан мана шу тўсиқларни енгиб ўтиш учун ҳам уч карра янгича фикрлаш зарурлиги кўп мартаба таъкидланган. Бироқ янгича фикрларнинг ўзи сизу биз ўйлаганчалик осон иш эмас чоғи. Айтишадик-ку, «бошга тўқмоқ тушмагунча кўз очилмайди», деб... Эҳтимол, «кўзимиз очилиши» учун бир оз вақт зарур бўлар...

Лекин мақтаниш эмас-ку, «журналист қавми»нинг ҳар доим ҳам «кўзи очик». Воқеликни энг биринчи илғайдиганлар ҳам ўшалар, десак муболаға бўлмайди. Буни биз оммавий ахборот воситаларида тинимсиз элимизга узатилаётган кўплаб мақолалар, дастурлардан ҳам билишимиз мумкин.

Минглаб журналистларнинг оддий сафдоши сифатида янгича фикрлашга оид яна иккита мисолни эътиборингизга ҳавола этишга жазм қилдим.

... Яқинда хизмат юзасидан Янгир шаҳар прокуратурасида бўлдим. Шаҳар прокуратурининг катта ёрдамчисининг хонасида ҳужжатлар билан танишиб ўтирар эканман, эшик қоқиб бир қария кириб келди: — Мумкинми, ўғлим?.. — Ассалому алайкум, келинг,

отахон, — деб кутиб олди прокуратура ходими.

У отахон билан ҳол-аҳвол сўрашиб, бир пиёла чой узатди. Сўнг отахоннинг арзини диққат билан эшитди. Аризачи гапини тугатгач, масаланинг ечимини ётиги билан тушунтиргач, тегишли ташкилотга кўнғироқ қилиб, отахонга амалий ёрдам беришга тутинди. Суҳбат охирида отахон «ростдан ҳам бу ер прокуратура-ми?», деб ўсмоқчилаб сўради, бу билан ҳам қониқмай, «сен ростдан ҳам прокурормисан?», деб ишонқирамай савол берди.

Маълум бўлишча, отахон умри давомида кўп марта прокуратурага «иши тушиб» келган, мушкулликдан илгари замонларда уни прокурорлар менсимасдан кутиб олишган, дардини тинглар-тингламас, останада қувиб юборган ҳолатлар ҳам бўлган экан. Мана Сизга янгича фикрлашнинг яна бир кўриниши.

Ҳар бир шахсга, фуқарога инсон сифатида муносабатда бўлиш, унинг ҳуқуқ ва манфаатларига ҳурмат билан қараш, ҳузурига келганларга ҳушму-малада бўлишга одатланиш ҳам янгича фикрлашнинг ўзгинаси дидир.

Негаки, бугуннинг, даврнинг талаби ҳам худди шундай. Бу талабни вақтида англаб етмаётганлар эса йўлдан четга чиқиб қолиши турган гап.

А.МУСТАФОКУЛОВ,
«ҲУҚУҚ» МУХБИРИ

ИШ УНУМИ — ҲАМКОРЛИКДА

Кеча Қорақалпоғистон республикаси Сарйўзақ туман ҳокимия-тининг мажлислар залида Қорақалпоғистон прокуратураси ташаббуси билан кичик ва ўрта биз-несни ривожлантириш, деҳқон-фермер ҳўжаликларини қўллаб-қувватлаш ва уларга амалий ёрдам беришни янада яхшилаш бўйича очик мулоқот бўлиб ўтди.

Йиғилишни Қорақалпоғистон республикаси прокурори, 3-дара-жали давлат адлия маслаҳатчиси Х. Ҳалимов очди ва олиб борди.

Кун тартибидеги масала бўйи-ча умумий назорат бўлими проку-рори С. Ибрагимов ахборот бер-ди.

Йиғилишда шу нарса маълум бўлдики, айрим туманларда ҳали-ям деҳқон ҳўжаликлари ва ўрта биз-нес фаолиятида қамчиликлар мавжуд. Улар ўз ҳуқуқларини тўла билишмайди. Фермер ҳўжаликлар-ини ташкил қилиш ва кредит олишдаги бюрократик тўсиқларга барҳам берилмаган. Деҳқон-фер-мер ҳўжаликлари билан тегишли ташкилотлар аниқ бизнес режа асосида иш олиб боришмапти.

Йиғилишда Қорақалпоғистон республикаси вазирликлари, ту-ман прокурорлари, банк ва бошқа тегишли ташкилот раҳбарлари, де-ҳқон-фермерлар, тадбиркорлар иштирок этиб, келгусида ҳамкор-ликда ишлашга келишиб олди-лар.

Ўз мухбиримиз

ПРОКУРОР ПРОТЕСТ КЕЛТИРАДИ

Қуз. Пахта йиғим-терими авжиде. Даладан қайтаётган Марғуба уйи олдида тўлганб турган кишиларни кўриб, юраги гашланди. «Тинч-ликмикан?» — кўнғилдан кечган ўй шу бўлди. Кеча онасиникига кетганида эри Одилжон ошналари билан «базми-жамийиш» қилганларини эрталаб келиб, бўшаган шиша ва бетартиб хонани кўргач тушунди. Лекин индамади. Бирон сабаби бордир, ўтиришгандир...

Марғуба нонушта тайёрлаб, Одилжонни уйотди-да, ишга бориши кераклигини айтиб, қизалоғи билан далага йўл олди.

Одилжон уйда хотини йўқли-ги сабабли 3-4 ошнасини так-лиф қилди. Ярим тунгача 2 та арокни майдалаб ўтиришди. Йигитлар бирин-кетин тарқа-лишди. Фақат Абдулатиф Одил-нинг илтимосига кўра уйга қай-тиб кирди. Шунда Одилжон:

— Ука, даромаднинг мазаси йўқ. Майли десанг бир иш қил-сак. Иккаламиз ҳам 3-4 сўмлик бўлиб қолардик, — деди.

Арок таъсирида сархуш бўлиб ўтирган Абдулатиф унинг ния-тини тушунолмади:

— Одил ака, нима, бирон «за-каз» олдингизми? — деб сўра-ди.

Одил унга ўзининг ниятини айтди. Кейин:

— Қўрқма, иккаламиз сир бер-масак, ҳеч ким билмайди, — дея тинчлантирди.

...Ярим кеча. Қишлоқда ҳамма уйкуда, фақат бу суку-натни итларнинг безовта ҳури-ши бузиб турарди.

Икки шарпа ҳамқишлоқлари Муҳаммаджон ақанинг дарво-заси олдида тўхтадилар. Одил-жон:

— Сен шу ерда пойлоқчилик қилиб тур. Мен ўзим «ишни ҳал» қилиб чиқаман, — дея девор оша ҳовлига тушиб кетди. Ай-вонда турган велосипедни олиб чиқиб, Абдулатиф билан бирга ўз уйига йўл олди. Мастликда қилган ишининг жиноятлигини эмас, уни пуллаб 3-4 сўмлик

бўлишни ўйлаган Одилжоннинг кўзи кечроқ очилди.

Ойни этак билан ёпиб бўлма-ганидек, жиноят ҳам ошкор бўлди. Маҳаллада юзлари шув-ув бўлган йигитлар велосипед-ни эгасига қайтариб бердилар. Йигитга уятдан улим афзалли-гини ич-ичидан ҳис этиб турган Одилжон ва Абдулатиф кечи-рин ҳам сўрашди. Маст ҳолда шайтон йўлига кирганликларини тан олишди. Маҳаллагарчи-лик, қолаверса, кечиримлилик халкимиз қонида бор нарса. Му-ҳаммад ака ҳам бу икки ёшни кечирди. Лекин...

Жабрланувчи М.Каримовнинг кўргазмасидан: «...2000 йил 9 октябрда ўтар кечаси 15 минг сўмлик велосипедим йўқолиб қолди. ...Кейин билсам велоси-педни судланувчи Зулфқоров Одил ва Яхшибоев Абдулатиф-лар маст ҳолда ўғирлашган экан, улар мендан кечирим сўрашди, мен судланувчиларни кечир-дим.»

Мингбулоқ туман прокурори А.Икромовнинг айблаш юзаси-дан тақлифи: «О. Зулфқоров га нисбатан жазо тури ва меъё-рини таъмин этишда енгиллаш-

тирувчи ҳолат: унинг айбига тўла иқдорлиги ва қилмишидан чин кўнғилдан пушаймонлиги, оила-ли, қарамонига бир нафар фар-занди борлиги, муқаддам суд-ланмаганлигидир.

Оғирлаштирувчи ҳолат: жи-ноятни қасддан, гуруҳ бўлиб ва

гим Зулфқоров Одилжон 2000 йилнинг 8 октябрида қамалиб қолди. ...Жинояти унчалик оғир эмас-ку! Мажбурий хизматга қолдирса бўларди. Қўлимда бир ярим яшарлик қизалоғим билан қичираб қолавердим. ...Ота-онамга сўянолмайман, уларнинг

тон Республикаси Олий суди-нинг 1999 йил 14 майдаги 11-сонли «Жиноий жазо чоралари-ни қўллаш бўйича суд амалиё-тида юзага келган айрим маса-лалар» ҳақидаги Пленум Қаро-ри талабларига эди равишда судланганларга нисбатан айб-ни енгиллаштирувчи ҳолатлар-ни эътиборга олмай, оғир жазо тайинлаган.

Бу ҳолатда уларга кўрсати-лган модданинг санкцияси дои-расида, озодликдан маҳрум этиш билан боғлиқ бўлмаган жазо тайинланиши лозим».

2001 йилнинг 5 июнида Ўзбе-кистон Олий Суди жиноят иш-лари бўйича судлов ҳайъати-нинг очик суд мажлисида Ўзбе-кистон Республикаси Бош про-курорининг ўринбосари томо-нидан келтирилган протест кўриб чиқилди ва шундай аж-рим қилди: «Наманган вилояти Мингбулоқ тумани судининг 08.11.2000 йилги Зулфқоров Одилжон Убайдуллаевич ва Ях-шибоев Абдулатиф Турсунбое-вичларга нисбатан чиқарган ҳукми ўзгартирилсин. Уларга ЖКнинг 169-моддаси 3-қисми «в» банди билан тайинланган 3 (уч) йил 6 (олти) ой озодликдан маҳрум этиш жазоси ЖКнинг 72-моддасига асосан шартли жазога алмаштирилсин. Улар-нинг ҳулқини назорат қилиш учун икки йил синов муддати белги-лансин, эътиёт чораси ўзгарти-рилиб, дарҳол қамқондан озод қилинсин».

О.Зулфқоров ва А. Яхшибое-ев ушбу ишончли оқлашларига умид қиламиз.

Б. САМУФЕВ,
Республика прокуратураси
бошқарма прокурори.
Муаззам АҚБАРОВА,
журналист

ОДИЛЛИК — ФАОЛИЯТИМИЗ МЕЗОНИ

спиртли ичимлик ичиб содир этганлиги, содир этилган жино-яти ҳамият учун ижтимоий ҳав-фли эканлиги.

Судланувчи содир этган жи-нояти учун жазоланиши шарт... Прокруторнинг ҳамда гувоҳ-ларнинг сўзлари тингланди. ЖКнинг 169-моддаси 3-қисми «б» банди билан айбли деб то-пилди ҳамда мол-мулки мусо-дақа қилиниб, уч йилу олти ой муддатга озодликдан маҳрум этилди.

Бир қарашда ҳаммаси қону-ний, адолатли яқун топгандек.

Уйламай қилинган ҳаракат ту-файли Одилжон ва Абдулатиф-ларгина эмас, уларнинг оила аъзолари ҳам ғам-ғусса ва қай-ғуда қолдилар.

Айниқса, Одилжоннинг тур-муш ўртоғи Марғуба қўлида ча-қалоғи билан қаерга боришни, кимга ёрдам сўраб мурожаат қилишни билмай сарсон бўлди. Чунки оила деб аталмиш қўргон-нинг султони бўлмагандан кей-ин, муштипар аёл нима ҳам қил-син? Юқори ташкилотларга му-рожаат қилшдан бошқа йўл то-полмади. Унда жумладан шун-дай дейилади: «...Турмуш ўрто-

ташвишлари кўп. ...Ҳўжайиним-ни (қамқондан) чиқаришга ёрдам беринг. Агар (иложи) бўлмаса ҳўжайиним билан бирга яшаш-га, ишлашга розилик олиб бе-ринг».

Мана, оддий ўзбек аёлининг ўз жуфти ҳалолига булган садо-қати!

Адолат нуқтаи назаридан қаралганда, О. Зулфқоровга енгилроқ жазо қўллаш ҳам мум-кин эди.

О.Зулфқоров қонунда кўрсат-илганидек, жазога тортилган. Бироқ, арзимаган моддий зар-ар қайсидир шахсининг жами-ятдан ажралиб қолишига, тақ-дири эса кўпроқ биз кутмаган тарафга ўзгариб кетишига са-даб бўлиши ўйлаб кўрса арзий-диган ҳолат.

О.Зулфқоровнинг жиноий иши қўрилишида ҳам асосан бир ёқламалик кўзга ташланади. Чунки судда айбдорнинг айби-ни енгиллаштирувчи бир неча ҳолатлар ҳисобга олинмаган.

Ўзбекистон Республикаси прокуратураси М. Турғунованинг аризасига биноан бу ишни кўриб чиқиб, протест келтиришни ло-зим деб тоғди: «Суд Ўзбекис-

БИРНИ КҮРИБ ФИКР ҚИЛ

Қадим-қадимдан халқимиз чақалоқ овози эшитилган хонадонни чиллали деб эъзозлаб, у ерда қаттиқ гапириш, бепарда сўзлар айтишни гуноҳи азим ҳисоблаган. Чақалоқни кўллариға олиб эзгу тилаклар тилашган. Умри узок, ота-онасига меҳрибон, ўғил бўлса файзли гўшангаларга куёв ёки қиз бола бўлса келин бўлишларини ният қилиб юзларига фотиҳа тортишган. Яхши ниятлар билан исм қўйишган. Ана шу исм келажақда комил инсон бўлиб етишшида унга ҳамкор бўлсин дея орзу қилганлар. Қарияларимиз чақалоқ кулоғига исмини айтиб азон айтишларида ҳам олам-олам маъно борлиғига кўп аҳамият бермай, одатий ҳолдек қабул қиламиз.

кўчат ер бўшлиғи туфайли қий-шайиб қолгани ҳақида қўшни-сига айтиб ўтибди.

Богбон қайсарлиғи тутиб, кўчатни ўз ҳолича қолдирибди. Дарахт йиллар ўтиб, катта бўлиб, мева қилибди ҳамки, ўша қийшайганлиғича қолаверибди. Бир куни богбон ўша қийшқ дарахт тағида ухлаб қолибди. Ногоҳон турган шамол дарахтни ағдариб юборибди. Манманлиғи туфайли дарахт тағида қолган богбон майиб бўлган экан.

хазон бўлиши эвазига топиб келаётган ҳаром пулларни қўришмаган деб ким қафлат бераолади? Фарзандлари «со-монхонага» етиб келгач, биз билмаймиз, шайтон йўлдан уриптими, деб ўзларини билмасликка олишади. Баъзан оилавий носоглом муҳит туфайли ўқимай, билим олишга ёки бир фойдали меҳнатнинг бошини тутишга бўйни ёр бермай кўча-кўйда ўзига ўхшаганлар билан санғиб юрган ёшларни қўриб қоламиз. «Эр-

ланиб, кўп ўтмай Тошкентга қайтиб келади.

Турмуш ўртоғи Фотима Тоштемирова ота-онаси билан қишлоқда қолади. 1999 йил ноябрь ойида Ш.Аллаёров хотинини Тошкент шаҳрига олиб келади. Унинг ҳаётдан умидларини кўп эди. Фарзандлар ўстириб, уларнинг роҳатини қўриш орзусида яшарди. Аммо, вақти келиб орзулари саробга айланишини билмасди. Афсус! Шерали энди «қоҳлаган ишини қилмай қолган эди. Орадаги келишмовчиликлар, кунда-кунора бўладиган жанжаллар бора-бора фожиа билан якун топади. Ўринсиз ҳақоратлар, қалтаклашилларга чидоламаган Фотима Тоштемирова ўз жонига қасд қилиб, 24 ёшида бу ёруғ дунёдан кўз юмди.

Шерали тўғри тарбия топганда, атрофдаги яқинлари бепарқ бўлишмаганди бу фожиа рўй бермас эди. Масаланинг иккинчи томони ҳам кишини ўйга толдиради. Судлов давомида жиноятчи учун яшаш ва иш жойидан берилган тавсифномалар жуда ижобий...

Ажабо! Ўз ҳодимларини химоя қилиб ёзилган бундай қозғоларга жимжимадор қилиб имзо чекаётган мутасаддилар Фотиманинг ўрнига ўз фарзандларини қўйиб, бир ўйлаб қўришса фойдадан холи бўлмас эди.

Шерали ўз қилмишлари билан не-не умидлар, орзу-хаваслардан юрган ота-онаси юзини шувут қилди. Қайнотасининг оиласига эса битмас-туганмас кам-андуҳ келтирди. Афсус. Энди жуда кеч.

А. ҲАЙИТОВ,
Республика прокуратураси
бошқарма прокурори
Н. ЛУТФУЛЛАЕВА,
«Хуқуқ» муҳбири

САРОБ

эси кириб қолар, деб бепарво бўладиганлар ҳам йўқ эмас. Етти қўшидан бирининг тўғри гапини гайриликка буриб, тан олгиси келмайди. Тушуниб етганида эса вақт ўтган, роҳат ўрнини ғам-андуҳ гирдобига ўралган дамлар эгаллаган бўлади.

Ривоят қилишларича, қадим замонда бир қишлоқда ёнма-ён икки қўшни яшар эканлар. Қўшнилардан бири ўқимишли, тўғрисўз экан. Дўстлари кўпلىгидан доим эшиги очик, фарзандлари қобил, ҳунарманд экан. Иккинчи қўшни богбон бўлиб, ўта хасис, бировнинг насиҳатини олмай, ўз билганидан қолмас экан. Богбоннинг икки ўғли ҳам отасидан қолишмас экан. Ўртадаги девор бир пахса бўлганлиги учун богбоннинг қилаётган иши ўтган-кетганга яққол кўриниб тураркан.

Баҳор келиб богбон янги кўчатлар экибди. Доно қўшни девор тағидан ўтаётди бир

Бу бир ривоят. Афсуски, ҳаётда шунга ўхшаш воқеалар кам бўлса ҳам учраб туриши ачинарлидир. Хизмат юзасидан кўп жойларда бўлишимизга тўғри келади. Турли тоифа одамлар билан учрашамиз. Тергов ва суд жараёнларида фарзанд тарбиясига вақтида аҳамият бермай, охирида пучаймон бўлиб юрганлар аҳволини қўриб ҳайрон бўласан киши.

Айрим тоифа инсонлар борки, отдан тушса ҳам эгардан тушмайди. Нафс васвасасига учиб, охир-оқибат қора курсида ўтирган фарзандини оқламоқчи бўлган ота-оналарга нима ҳам дейиш мумкин?

Ажал уруғи, гиёҳванд моддалар олди-соттиси билан шуғулланиб юрган ёшларнинг ота-оналарини олиб кўрайлик. Улар фарзандларининг қаерда, қимлар билан юрганликлари билан дейиш мумкин?

Ўғил ёки қизидиғи ўзгаришлари, бировлар ҳаётининг

как киши кўчаники, боламиз ҳали ёш, уйлантирсак қўйлиб қолади» деб ўзини-ўзи алдаб юрганлар қанча.

Оила муқаддас даргоҳ. Унинг ўз қонун-қоидалари, оғир-енгил қўнлари бўлади. Орадан икки ой ўтар-ўтмас «эркатоилари» бир ёқда қолиб, «келин олишга адашибмиз», «ўғлимиз ўзгариб қолди» деб эшикма-эшик юрган қайноналарга нима дейсиз?

Пировард натижа шу билан тугайдики, оила барбод, бегуноҳ, норасида болалар тиррик етим бўлади. Айрим ҳолларда бундан ҳам ачинарли воқеаларни кузатиш мумкин.

Шу ўринда бир мисол келтирмоқчиман.

Яқинда Шерали Аллаёровнинг жиноий ишини қўриб чиқишга тўғри келди. У асли самарқандлик. 1969 йилда туғилган. Муқаддам судланган. Тошкентдаги нуфузли идоралардан бирида ишлаб келган. Ш.Аллаёров 1997 йилда уй-

ГИЁҲВАНДЛИК ИЛЛАТ

БОЙИБ ҚОЛИШМОҚЧИ ЭДИ

Норин туманининг Учтепа қишлоғида истиқомат қилувчи, эндигина 24 баҳорни қаршилаган Соҳибжон Имомов бекор қолган жараж-жараж пул топиш усулларини ўйлаб кўрди. «Тижорат қилсаммикин ёки гишт қўйиб сотайми?» Бироқ, ҳалол меҳнат унга оғирдек туюлди. Боз устига миясини гиёҳванд модда етиштириб сотишдек нопок ўй «чулғаб олганди. У шундай ҳаёлда ҳовлисининг бир четиға наша уруғини сепиб, парварийлаш бошлади. Наша кўкча бўй чўзгани сари, унинг ҳам қувончи ортиб борарди. Аммо...

Туман ИИБ томонидан ўтказилган «Тозалаш» тадбирида милиция ҳодимларининг ташрифи Соҳибжоннинг **барча орзу-умидларига чек қўйди. Унинг ҳовлисида 15 туп ўткир ҳидли гиёҳванд модда далилий ашё сифатида олинди.**

Ўхш, Соҳибжон гиёҳвандлик моддаларини олиб сотиш ёки истеъмол қилиш жиноят эканлигини билмасмиди? Йўқ, у бу ишининг қонунга хилофлигини жуда яхши англади.


Дарвоқе, Соҳибжонни-ку ҳали ёш дейишимиз мумкин-

дир. Бироқ, салкам 40 ёшни қоралаб қўйган, икки фарзанднинг отаси Шарифжон Ибрагимовни нима жин урди экан? Шу йил 26 февраль куни у марихуана моддасини олиб харидор излашга тушди. Уйчи «деҳқон

бозори» олдида юрганида ҳуқуқни муҳофаза қилиш идоралари ҳодимлари уни гиёҳванд моддани ноқонуний олиб-сотишда гумон қилиб тўхтатишди. Холислар иштирокида текшириб кўрилганда Ш. Ибрагимовнинг ёнидан оғирлиғи 9,4 грамм марихуана гиёҳванд моддаси топилди. Унинг уйдан эса сотиш учун сақлаб қўйилган яна 311 грамм наша олинди.

Яқинда юқоридаги икки шахсининг фаолияти туман судида кўрилиб, уларнинг мол-мулкларини мусодара қилиниб, ҳар бири 10 йил муддатга озодликдан маҳрум этилди.

Соҳибжон **ҲАМИДОВ,**
Уйчи туман прокурорининг
ёрдамчиси



учун бир хирмонни йўққа чиқарувчи оғуфурӯшлар жараж-жараж пуллар эвазига қишлоқ ёшларини захри қотил билан таъминлайдилар. Кўза кунда эмас, кунда синади. Ҳуқуқ-тартибот хо-

даларини, пушаймонлик изтиробларини ҳам унутди. Унуттиш асносида шайтони лаъин унинг қонини яна кўпиртира бошлади.

Айниқса, костюмнинг чўнтағида қолиб кетган героинни топиб олгач, ўзини тутиб туролмади. Минг йиллик қадрдонини тоғандай ҳаяжонга берилди. Ҳамма нарсадан воз кечиб, укол тайёрлай бошлади...

Шундай қилиб Саодат яна эски ҳунарининг этагини тутди. Бошқаларни ҳам героинга

ТАВБАСИГА ТАЯНМАГАН АЁЛ

димларининг зийраклиги туфайли эр-хотин «оғуфурӯшлар» фаолиятига нўқта қўйилди. Хоразм вилояти суди С.Авзаматовани 6 йил, О.Мавлоновни 10 йил муддатга озодликдан маҳрум этди.

С.Авзаматова Ўзбекистон Мустақиллигининг 9 йиллиғи муносабати билан амнистия тўғрисидаги фармонга асосан жазодан озод қилиниб, фарзандлари бағрига қайтди.

«Оғу» деб чеккан азобларини унуттиш осон кечмади. Бироқ, вақт ҳар дардга малҳам. Бир-икки ой ўтгач, қамоқда ўйлаб ўтказган тунларини, ўзига ва тангрига берган ваъ-

жалб қила бошлади.

Ҳуқуқ-тартибот идоралари ҳодимлари уни шу йил 11 апрел куни ўз уйида таниши Клара Аҳмедова билан героин истеъмол қилиб ўтирган чоғда қўлга олишди. Тавбасига таянмаган аёл яна жазога тортилди.

Энди тол-попукни сочига тақиб юрган жажжи қизи, тол хивичини от қилиб ўйнаб юрган ягона ўғлининг тақдирини не кечади? Нобакор она бу ҳақда ҳеч ўйлаб кўрганмикин?

Қўзйой **ЖАББОРОВ,**
Ҳазорасп туманлараро
прокурори

ФЕЛЬЕТОН ЎРНИДА

Анча вақтдан буён қишлоққа бормаганимдан сабабли шу бугун йўлга чиқишга қарор қилдим. Катта чарм сумкага у-бу нарсаларни жойладим-да, қайдадиган сўлим, дея йўлга тушдим. Самарқандга кетаётган «Икарус» автобуси хайдовчиси мени Фаллаоролгача олиб кетишга рози бўлди. Ҳамроҳим ҳам шўх бола экан, дарров танишиб олдим. Жойимга бемалол ўрнашиб олдим-да, у олиб чиққан «Эрудит» газетасидаги бошқотирмаларни еча бошладим. Шаҳардан чиққан кейин автобус илдам юриб кетди. Паст-баландликларда кўм-кўк бўлиб ястаниб ётган Янгийўл пахтазорлари, мевадан шохини кўтаролмай қолган Чиноз бог-роғлари ортда қолди. Ҳадемай Сирдарёдан ўтамыз...

— Рангли металл, «а»дан бошланади. 6 ҳарф? — кўзим илинган экан ҳамроҳимнинг бу саволини илғамай қолдим.

— Ухлаб қолдингизми, оғайни? «А»дан бошланадиган 6 ҳарfli рангли металл нима бўлиши мумкин? Шунга айтиб юборинг.

«А»дан бошланадиган рангли металл нима бўлиши мумкин? Шу ўйда ойнадан ташқарига қарадим. Шу пайт бизга карама-қарши йўналишда келаётган автобус тўхтаб, ундан халтада, сумкада туширилаётган юкларга кўзим тушди. Автобус тўхтагани сўним катта йўлдан унга узок бўлмаган уйдан бир энгил машина елдек учиб келиб, ундан икки йигит тушди. Улар туширилаётган юкларни чаққонлик билан юкхонага ортишди-да, қандай пайдо бўлган бўлса шундай ғойиб бўлишди.

— Алюминфурушлар!

— Нима? Алюмин дедингизми? Ҳамроҳим чамалаб кўрди шекилли, «Тўғри, тўғри, алюмин экан» деб каттакларга ёза бошлади. Ҳамроҳим мен беихтиёр айтган сўзни тўлиқ англаб етмади. У ҳозир пастда нима бўлгани-ю, улар машинага нисбатан ортиб кетишгани, ҳамма-ҳаммасини кўрмай қолди. Бундай ҳолатни Қозоғистон сарҳадларидан чиқиб кетгунча яна бир неча марта кўрдим. Йўл юришда давом этарканмиз, гоҳи мизғиб, гоҳида табиат манзараларини кузатиб

манзилга етиб қўйганимни ҳам сезмай қолганим. Ҳамроҳим билан хайрлашиб автобусдан тушар эканман, шохбекат олдида уйиб қўйилган эски сумкалар диққатимни тортди. Сумкалар ёнида ўрта ёшлардаги бир аёл микроавтобус хайдовчиси билан нималарнидир келишарди. Уларнинг ёнидан ўтиб кетарканман беихтиёр суҳбати кўлогимга чалинди.

— Жон ука, бор-йўғи 100 килограмм. Аввалги нархда манзилга элтиб берсангиз... Йўлга ҳам еманг, ука,

ўтирган кишидан бунга изоҳ сўрадим.

— Бу култепада нима қилишарди-ти улар?

— Алюминнинг қонини топишибди, — пичинг аралаш жавоб берди ҳамроҳим. Маълум бўлишича, алюминфурушлар ичиндан бир ақли расоси чиқиб, бу кўп йиллик чиқинди ичида мўмайгина пул кўмилиб ётганини англаб етибди. У майда сир тўр олиб келиб чиқиндиларни бир-ма-бир ғалвирдан ўтказибди ва биринчи кундан 100-150 кг. ало-

танлаб ўтириб олдим. Уйкуга тўймаганлигим, кечаси кеч ётганлигим сабабли яна мизғиб қолганим. Бир пайт оёғимни қимдир қаттиқ турткилади.

— Оёғингни кўтар, сумкани ўриндик остига тикиб юборай.

Қандайдир кампир эски сумкани мен ўтирган ўриндик остига тикиштирарди. Сумка катта бўлгани боис кампир жуда ҳансираб қолди. Сумкани итарар экан, ичидаги алюмин, мис парчалари «бу бизмиз» дегандай тақир-туқур

— Акажон, ўзи 10 килограмм юким бор, овора қилмай кўяқолинг. Энди бошқа қилмаймиз.

Божхона хизматчиси алюминфурушларнинг юки озлигига ёки уларнинг бошқа қилмаймиз, деган гапларига ишонди «шекилли», эски «михоз»ларини «овора» қилиб юрмади. Автобус юришда яна давом этди. Орқамдаги ўриндикда ўтирган «бизнесменлар» хурсанд. Чунки улар божхонадан ўтиб олишган, ҳадемай Қозоғистонда уларни танишлари кутиб олишарди.

— Ана, сенга айтдим-ку, ҳаммаси таниш деб, сен кўрқиб ўтириб эдди. Энди мактабни қўй, ҳар келганда 20 килодан олиб келсанг, сенга мана бундай етади, — ўрта ёшлардаги жувон 8-9- синфларда ўқийдиган ўсирга шундай деб бўйнига кўрсатгич бармоғини юргизиб қўйди. Бола ҳам хурсандлигини билдириб тиржайиб қўя қолди.

Автобуснинг бир маромдаги шувиллашдан яна ухлаб қолганим. Бир пайт йўловчиларнинг ҳаракатидан метрога етиб келганимизни англаб мен ҳам тушишга тараддулландим. Мендан орқанда ўтирган «бизнесмен»лар қаерда ва қачон тушганлигини сезмай ҳам қолганим. Метрога тушиб 20 минутда «Беруний» бекатига, ундан талабалар шаҳарчасига етиб келдим. Яна талабалик ҳаёти, яна ўқиш, изланиш, ҳамма-ҳаммаси қайтадан бошланади. Келсам хонадошларим йўқ экан. Кийимларимни алмаштириб, ювиниб, энди қароватга ётганимда эшик тақиллаб қолди. Хонадошларим келгандир деган умидда эшикни очсам, кўшни хонада турадиган бир бола экан.

— Битта қошиқ олгандинглар, шуни беринглар.

— Қанақа қошиқ?

— Алюмин қошиқ.

— Нима-а-а?

Эшикни тарс ёпдимда, ўзимни қароватга ташладим. Алюмин деган сўзни эшитмаслик учун кўлогимни ёстиқ билан маҳкам берки-тиб олдим. Лекин кулоқ берк бўлгани билан ҳаёлимда «а-л-ю-м-и-н» чарх урар эди.

Фозил МАМАШАРИПОВ,
Ўз МУ талабаси

АЛЮМИНФУРУШЛАР

ЁКИ ЙЎЛ ТААССУРОТЛАРИ

Ўзим «отвечат» қиламан. Бўлдимми? Келишдикми?

Ах, яна алюминфурушлар, қаерга карама шу ахвол. Бундай ишларга қачон чек қўйилар экан-а?

Аксига олиб қишлоққа борадиган автобус ҳам йўқ экан. Ноилоҳ хусусий микроавтобусда кетишга мажбур бўлдим. Хайдовчи ўн кишилик ўринга йигирма кишини ўтиргизиб, йўловчилар кистайвергандан кейингина юришга мажбур бўлди. Нарирок тур, берирок тур, оёғимни босма деб жойлашолмаётган йўловчилар микроавтобус бир-икки силкиниб олганидан кейин жойланиб кетди. Энди ўртадагилар уйку билан, ойнага яқин ўтирганлар ташқарини кузатиш билан, баъзи гап-донлар эса бакириб-чакириб суҳбат қилиш билан банд эди. Мен ҳам ойнага яқин бўлганлигим сабабли ташқарини кузатиб кета бошладим. Бўғдой ўриб олганга адирлар, қип-қизил бўлиб доғлай бошлаган ян-тоқзорлар бирма-бир кўз олдимда ўта бошладилар. Ногоҳон мени бир манзара хайратга солди. Йўлнинг буриллаган жойида кўп йиллик чиқинди уюмлари тўпнаниб ётарди. Ҳозир бу ер худди археологик изланишлар олиб борилаётган жой манзарасига кириб қолибди. Хайратимни яширолмай ёнимда

мин чиқиндиларини топибди. Шундан кейин бу ерда кенг миқёсда «изланишлар» олиб борилиб, «археологлар» бригадалари сони ортиб кетибди...

Қош қорайганда уйга етиб келдим. Жуда чарчаган эканман, акамнинг кичкина қизининг харашаларига ҳам парво қилмай донг қотиб ухлаб қолганим.

Қишлоқдаги ҳаётимнинг биринчи кунни бошланди. Нонушадан кейин мен акамга у-бу ишларида ёрдамлашдим. Тушликка яқин кўшнимиз келиб қолди. Ҳасратидан чанг чиқади, кечаси уларникига ўғри тушиб, чордоқдан тўртта трактор поршенини ва яна бир қанча алюминдан ясалган бўюмларни олиб кетибди. Биз унга яқин орадаги алюминчиларнинг уйини кўришни маслаҳат бердик. У сўкина-сўкина чиқиб кетди...

Мана, икки кунлик қишлоқдаги ҳаёт ҳам ниҳоятга етди. Яна шаҳарга, қадрдоним талабалар шаҳарчасига... Эрталаб соат тўртлар чамаси онам тайёрлаб қўйган сумкани елкамга ташлаб бекатга чиқдим. Ярим соатлардан кейин хусусий микроавтобус келиб қолди. Йўналиш бизнинг қишлоқдан бошланганлиги боис ҳали ўриндилар тўлган эди. Ўзинга қулай жойини

қиларди. Кампир ҳамма ўриндилар тағига биттадан сумка жойлаштириб чиқди. Машина ҳар силкинганда алюмин бўлакларини нола қилаётгандай бир овоз чиқариб қўйди. Шохбекатга етиб келдик. Мен сумкамни олдим-да Тошкентга кетаётган «Икарус» автобусига ўтириб тезгина жўнаб кетдим. Автобус елдек учиб борарди. Икки кунлик таассуротларимни бирма-бир ҳаёлимдан ўтказиб бошладим. Боғлар, қишлоқ аҳли, яқин қариндошлар, алюминлар... Нима? Алюминлар? Уйламай десам-да, алюмин ва алюминфурушлар миямни тарк этмасди. Худди барча нарса алюминга боғланиб қолгандай. Шу ҳаёлларда эканман, автобус тезликни камайтириб астагина тўхтади. Нимага тўхтаганини билиб улгурмасимиздан автобусга формадаги бир киши чиқиб ўриндик тағларини, юкхоналарни кўра бошлади. Божхона ходими салон охирироғига келганда менинг орқамдаги ўриндикда ўтирган йўловчилар тирпиқлаб қолишди.

— Бу сумкадаги нима? — божхона хизматчиси уларнинг олдидаги сумкага кўл қўзди. Сумка эгалари эсанкираб қолишди.

— Яна сенларми? Қани пастга тушинглар-чи.

ПРОКУРОР СЎЗ СЎРАЙДИ

ҚЎЙСИЗ ЧЎПОНЛАР

Абдусаттор туни билан безовта бўлиб чиқди. Тонгга яқин ахволи яна оғирлашди. Ака-укалари уни туман марказидаги касалхонага олиб боришди. Унга врачлар: «Сарик касали билан оғрибди» деб ташхис қўйишди. Абдусаттор ўша кунги укаси Абдуалини чақириб: «Ука, ахволимни кўриб турибсан. Отардаги қўйларни сенга топширдим. Сени яратганга...» деди. Врачларнинг сазй-ҳаракатлари туфайли Абдусаттор бир ойда оёққа туриб, соғайиб кетди. Аммо укаси Абдуали акасининг юзини ерга қаратди. Ишончини оқламади

Акаси касал пайтида, қўйларни боқиб юриб бир кун тунда ухлаб қолди. Оқбатда чўл бағрида ўтлаб юрган отарнинг ярми боши оққан томонга кетиб қолди. Абдусаттор уйкудан уйғонганида отар 7-8 чакирим узокликда ўтлаб юрарди. У чопа-чоп жон ҳолатда қўйларни бир жойга тўплади. Не кўз билан кўрсинки, отарда 170 бош қўй йўқ эди. У томонга югурди, бу томонга югурди. Аммо йўқолган қўйлардан дарак бўлмади.

— Абдусаттор ака, уйимиз кўйини - деди акаси соғайиб чиққан куннинг эртасигаёқ Абдуали. — Сиз бетоб бўлган пайтингизда 170 та қўйни йўқотиб қўйдим.

Абдусаттор укасини қаттиқ қойди. Аммо, энди фойдасиз эди. — 170 бош қўй айтишга осон, аммо уларни отарга қайтаришнинг ўзи бўлмайди. 5-10 та бўлганда ҳам бошқа гап эди. Хўжалик раҳбарлари билан маслаҳатлашиб, бир илоҳини қилса бўларди. Энди эса... — деди Абдусаттор «ух» тортиб.

— Ака, йўлини топиб қўйганман, — деди Абдуали ички мамнуният билан. Қўшни отардан йўқот-

ган қўйлар ҳисобига 170 бош қўйни олиб турамыз. Текширувдан сўнг эгаларига қайтарамиз.

Қўй саноғи бошланишидан бир кун олдин ака-ука гапни бир жойга қўйишди. Текширувчилар «Чимкўрғон ИШБдаги Абдусаттор Калибеков отаридаги қўйлар 170 жойида, камомадлар йўқ» — деб имзо чекиб кетишди. Ака-ука ишнинг силлиқ битганидан хурсанд эди. Эртасигаёқ камомадини ёпиш учун олдинги қўйлар эгаларига қайтарилди. Аммо отардаги камомадлар кундан-кун «болалай» бошладилар. Сабаби отардаги ҳисобда йўқ қўйлар эрта кўкламда қўзилиш керак эди. Нима бўлса бўлди. Пешонадагини кўрамиз, деб ака-ука эрта кўкламда исзис йўқолган қўйлар ҳисобидан Чимкўрғон ИШБга 146 бош қўзини қўшиб ёзди. Оқбатда отардаги камомад охири, 374 бошга етди. 2000 йилнинг феврал ойида Чимкўрғон ИШБ раҳбари 1-ферма бош қўпони Абдусаттор Калибеков отарни Абдумажид Тастемировга топшириш кераклиги тўғрисидаги буйруққа имзо чекди. Яна ака-ука Калибековларнинг пайтавасига кўрт тушди. Кўп ўтмай

бунинг ҳам йўлини топишди. Янги тайинланган 1-ферма бош қўпони Абдумажид Тастемиров ва хисобчи Серик Умаровга яқин кўнлар ичида сонда бор санокда йўқ 374 бош қўйни отарга қўшиб қўйишни ваъда қилишди. «Сизлардан битта илтимос. Камомадни раҳбарлар ва туман ҳуққни муҳофаза қилувчи идоралари билмасан» - тайинлашди ака-укалар.

Отарни қабул қилиб олган А.Тастемиров билан С.Умаров ўзларича мардик қилиб, камомад ҳақида ҳеч кимга айтишмади. «Отарни қабул қилиб олдим. Қўйлар тугал. Эътирозлар йўқ» - дея имзо қўйишди. Орадан уч-тўрт ой ўтган, Абдумажид Тастемиров чўпон тағини уйнатиб, Абдусаттор Калибековнинг ўтовига келди: «Мен сенинг гапинга ишониб, аслида сонда бор, санокда йўқ 374 бош қўйини бор деб қабул қилганман. Энди қўйларни жойига қайтар».

— Ваъда берганим рост. Аммо ҳозир ҳеч ҳам илоҳи йўқ.

Ана шу суҳбатдан кейин кўп вақт ўтмасдан ҳамма сир фош бўлди. Абдусаттор Калибеков ва унинг укаси Абдуали Калибеков Чимкўрғон ИШБга 2896700 сўмлик моддий зарар етказгани маълум бўлди. Тергов давомида ака-ука ўз айбларини тан олишди. Уйиб жиноятнинг томир отишида Абдумажид Тастемиров билан Серик Умаров-

ларнинг айблари ҳам етарли. Улар ҳамкасбларига ёрдам қиламиз, деб умуман бўлмаган 374 бош қўйни қабул қилдик, дея ўзлари ҳам жиноятчига айланишарди. Улар ҳам ўз қилмиши учун муносиб жазосини олишди.

Туманимизда чорвачилик соҳасида бундай кўзбўямачиликлар бир-иккига бўлганда биз бу муаммони ёзиб ўтирмаган бўлардик. Туман прокуратураси текшириш ўтказган қўлгина отарларда қўшиб ёзиш, кўзбўямачилик ҳолатларига дуч келдик. Сўзимнинг исботи учун туманимиздаги яна бир қўйчиликка ихтисослашган ферма фаолияти ҳақида тўхталмоқчиман. Ҳамма отарда бир хил ҳолат. Акаси касалхонага тушганда укаси қўйларни «йўқотадилар». Масалан: 1998 йил 17 март кунини Сарсонбой Еранов Чимкўрғон ИШБнинг 1-фермасига бош қўпонилик лавозимига ишга қабул қилинган. 1998 йилнинг ноябрь ойида ов милтигидан жароҳатланиб, касалхонага тушиб қолади. Ана шу даврда қўйларга қараш унинг укаси — ёрдамчи қўпон Қўбай Ерановнинг зиммасига юклатилади. Унинг локайдийги туфайли 400 бош қўй йўқолади. Қўбай Ерановнинг терговда қўрсатма беришича, 1998 йил ноябрь ойида 250 та, 1999 йил январь ойининг тумани тунда 150 та қўй бедарак йўқолади. Аммо бош қўпон Сарсонбой Еранов ҳужа-



Омон ХУДОЙКУЛОВ,
Зафаробод тумани прокурори

лик раҳбарлари ва туман ҳуққни муҳофаза қилувчи идораларини бу ҳақда хабардор қилиш ўрнига ёпиқлик қозон ёпиқлигича қолсин, қабилада иш тутган.

Туман прокуратураси тумандаги барча отарлардаги ахволни ўрганиб, таҳлил қилиб чиқди. Энг ачинарлиси, баъзи отарларда 400-500 бош қўйнинг қамлиги аниқланди. Бу дегани бутун бошли бир отар қўй йўқ дегани. Чўпон бор. Аммо бир бош ҳам қўй йўқ. Ажабланарлиси, йўқ қўйлар учун чўпонлар мошо олишган. Йўқ қўйлар учун давлат ҳисобидан ем-хашак сарфланган.

Ҳақли савол туғилади. Бу кўзбўямачиликлардан ҳўжалик раҳбарлари беҳабарми? Йўқ. Улар ҳамма нарсасдан бохабар. Айримлари эса чўпонларнинг «жиноят»ига ҳам шерик. Халқ мулкини талон-тарож қилишга ҳеч қимнинг ҳақи йўқ. Қимки халқ мулкига қўз олайтирса, қонун олдида жавоб беради.

РЕКЛАМА

РЕКЛАМА



**МУСТАҚИЛЛИК
БАЙРАМИҒИЗ ҚУТЛУҒ
БЎЛСИН, АЗИЗ
ҲАМЎРТЛАР!**

«ЯНГИЙЎЛЁФ»
ҳиссадорлик жамияти

РЕКЛАМА

РЕКЛАМА



ИСТИҚЛОЛ БАЙРАМИНГИЗ МУБОРАК БЎЛСИН!

«ТОШБОЗОРТАЙЁРЛОВСАВДО» УЮШМАСИ
БАРЧА ЎРТАОШЛАРИМИЗНИ ЎЗБЕКИСТОН РЕС-
ПУБЛИКАСИ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ 10 ЙИЛЛИК
БАЙРАМИ МУНОСАБАТИ БИЛАН ЧИН ДИЛДАН МУ-
БОРАКБОД ЭТИБ, ХОНАДОНЛАРИГА ТИНЧЛИК-ХО-
ТИРЖАМЛИК ВА ФАЙЗУБАРАКА ТИЛАЙДИ

«ТОШБОЗОРТАЙЁРЛОВСАВДО» УЮШМАСИ

РЕКЛАМА

РЕКЛАМА

1991 10 2001

МАМЛАКАТИМИЗ ХАЛҚИНИ
РЕСПУБЛИКАМИЗ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ
ҚУТЛУҒ 10 ЙИЛЛИГИ БИЛАН ҚИЗҒИН ҚУТЛАЙМИЗ
ВА ЮРТДОШЛАРИМИЗГА БАХТ-САОДАТ,
ТИНЧЛИК-ТОТУВЛИК ТИЛАЙМИЗ

«ЎЗГЕО НЕФТГАЗҚАЗИБЧИҚАРИШ»
АКЦИОНЕРЛИК КОМПАНИЯСИ

РЕКЛАМА

РЕКЛАМА

«АВК»

хусусий корхонаси


БАРЧАНГИЗНИ ИСТИКЛОЛ БАЙРАМИ
БИЛАН ҚУТЛАЙДИ.

КАВСАР

«ЎЗДАВКИТОБСАВДОТАЪМИНОТИ»
ҲИССАДОРЛИК ЖАМИЯТИ

ЎЗБЕКИСТОН ХАЛҚИНИ
РЕСПУБЛИКАМИЗ МУСТАҚИЛЛИГИНИНГ
10 ЙИЛЛИГИ БИЛАН ТАБРИКЛАЙДИ ВА
ОЗОД ВАТАНИМИЗ КЕЛАЖАГИ ЙЎЛИДАГИ
ИШЛАРИДА ЗАФАРЛАР ТИЛАЙДИ

КРОССВОРД



ЭНИГА: 7. Ўрта Осиё халқларининг қадимий ўйини. 8. Спорт тури. 10. Балиқ тури. 11. Арманистон пойтахти. 12. Зухранинг опси. 13. Балиқ уруғи. 14. Пахта илдан тўқилган мато. 20. Тожик ёзувчиси, «Олов қизи» романи муаллифи. 23. Г.Маркес тасаввурдаги афсонавий ўлка. 24. Таниқли ҳинд актрисаси. 25. «Ишдаги ...» бадий фильм. 26. Эчкининг боласи. 27. Аёллар тақинчоғи. 28. Энг аввалги, дастлабки. 33. Америкалик машҳур хонанда. 35. Америкадаги давлат. 36. Наманган шаҳридаги даҳа. 40. Одам аъзоси. 41. Ота томонидан яқин қариндош аёл. 43. Шириннинг маҳбуби. 45. Клинтоннинг собиқ машҳура. 46. Сиз ечаётган ушбу бошқотирманинг номи. 47. Баланд, юқори. 48. Мусика асбоби.

БЎЙИГА: 1. Тери касаллиги. 2. Саҳродаги қум

тепалиги. 3. Хавф, қўрқинч. 4. Подшоҳ ҳарамиди аёл. 5. «... — отангдай азиз.» (мақол.) 6. Миллий маросимларнинг баъзиларида олиб борилиши зарур бўлган кийим-кечаклар тўплами. 9. Ҳаё, ифбат. 15. Томоша қилувчи одам. 16. Сапёрнинг «ўлжаси». 17. Хон, амирнинг курсиси. 18. Санъат тури. 19. «Морена Клара»даги Клара онасининг дастлабки исми. 21. Латифлик, нафислик. 22. АҚШдаги штат. 29. Ўлим, қазо. 30. Режиссёр Ю.Розиковнинг «Гран-при»га сазовор бўлган фильми. 31. Ўн икки буржнинг бири. 32. «Тўртинчи ҳокимият» вакили. 34. Қайрилма қош таърифи. 37. Россиядаги футбол жамоаси. 38. Қитъалардан бири. 39. Қиролнинг турар жойи. 42. Мумтоз шоирларимиздан бири. 44. «Ҳасса»нинг адабийси.

Тузучи: Ж.ҚАЙНАРОВ

ФУТБОЛ

ҲАЛИ ҒАЛАБАЛАР ОЛДИНДА

Одамнинг кайфияти ҳам баҳорнинг ҳавосига ўхшайди. Эрта-лаб қуёш чараклаб, бироздан сўнг ёмғир қуйиб, кейин яна олам нурга тўлиши мумкин.

БАА - Ўзбекистон ўйинини қандай кайфиятда кутгани ўзига аён. Араб футболчиларини енгимиз, деган оптимистлар 1999 йилги Осиё кубоғи саралаш ўйинидаги ғалабани назарда тутсалар, пессимистлар ундан бир йил олдинги Тошкентдаги мағлубиятни эслаб афсус чекарди. Нима бўлганда ҳам хавотирларимизнинг бир қисми ҳақиқат бўлиб қиди. Йигитларимизнинг 40 даража иссиқда тўп суришларини, жисмоний тайёргарликларини пастлигини, охири-оқибат 1:4 ҳисобида мағлуб бўлишларини кутмаган эдик.

Ўйин TV орқали кўрсатилганлиги боис тафсилотларга тўхталмаймиз. Фақат мулоҳаза шуки, футболчиларимиз анча вақт биргаликда машғулотларда қатнашмаганлиги, ҳар қандай шароитда юқори савияда тўп суришга тайёр эмаслиги панд берди. Амирликларга жўнаб кетишдан олдин терма жамоамиз бош мураббийи В. Сальков: «Европа жамоалари жаҳон чемпионатидаги бериладиган йўлланма учун йиллаб кураш олиб борса, Осиёда бу масала икки ойнинг нари-берисида ҳал қилиниши майнавозчиликдан бошқа нарса эмас» дея ОФК позициясини қаттиқ танқид қилган эди. Бу қўрққан олдин мушт кўтарар эмас, барчага аён ҳақиқатдир. Бироқ кимнинг аравасига минсанг, ўшанинг қўшиғини эшитасан.

Битта мағлубиятдан тушкунликка тушиш керак эмас. Олдимизда 7 та ўйин бор ҳали. Қолаверса, Қатар - Уммон дуранг ўйнаб (0:0) гуруҳдаги рақибларимизнинг иккитадан очко йўқотиши кўнглимиздагидай бўлди. Шу ўринда, 1990 йилги жаҳон чемпионатидаги Аргентина терма жамоасининг тарти ёдга тушади. Биринчи ўйинда мағлубиятга учраган Марадона жамоаси охири-оқибат финалгача чиққан эди. Шундай экан, бўладиган эл боласини ботириб деганидай, йигитларимизга бундан кейинги ўйинларида омад тилайлик.

Ҳасан НИШОНОВ

Қутлов

Меҳрибон ойи жонимиз Мухаббат НИФМАТОВА!

Таваллуд айёмигиз билан муборакбод этиш бахтига мушарраф бўлганлигимиздан беҳад мамнунмиз.

Сизга Аллоҳдан узоқ умр, сохат-саломатлик ҳамда битмас-туганмас бахт тилаймиз. Кўнглингиздаги энг инжозорзуларингиз рўёбга чиқишини чин дилдан истаб қолувчи дилбандларингиз

ЖАВОҲИР, МАДИНАБОНУ, АСАДБЕК

БИР ЧИМДИМ КУЛГУ...

Бола дадасидан сўрапти:
— Дада, айтинг-чи, мени қаердан олгансизлар?

Ота эса кўп ўйланмай, ҳақиқатни айтмасликка қарор қилди:
— Сени қарамнинг ичидан топиб олганмиз.

— Опагани-чи?
— Уни эса магазиндан сотиб олгандик.

Бола дадасининг бу жавобидан кейин жимгина ўз хонасига ўтиб кетди ва юрита бошлаганига бир неча кун бўлган қўндалигини очиб, «Бугун дадам билан ишқий мавзуда гаплашдик. Бу борада унинг билими ноль экан», деб ёзиб қўйди.

Иккита янги рус театрда. Оркестр. Саҳнада дирижёр. Янги руслардан бири дирижёрга ишора қилапти:

— Бетховен деганлари шу кишимми?

— Билмадим, орқасини ўгириб тургани учун таниёлмай турибман.

Янги рус иш берувчининг сўхбатидан ўтаяпти:
— Қисқа қилиб айтганда, тижорат бўйича мутахассисман.

— Демак, магазинларда ишлагансиз?

— Худди шундай!

— Кўчмас мулк, уй-жойларда-чи?

— Бу борада ҳам қатта тажрибам бор.

— Банк соҳасида-чи?

— Ишлаганман-у жуда кам: атиги 10 дақиқа.

— Тушунмадим?

— Энди ишни бошлайман деб турганимда, сигнализация ишлаб қўлиб, мени ушлаб олишганди.

Эр хотинга ўшқирапти:
— Қани айт-чи, ҳар куни жанжал чиқараман, деб менга турмушга чиққанминдиг?

— Мен сенинг аҳмоқлигингни билмаган эканман.

— Алдама, сен буни жуда яхши билгансан!

Янги рус уяли телефон хизмати кўрсатувчи компанияда. Оператор:

— Бир дақиқада ҳаммасини расмийлаштирамиз. Сизнинг фамилиянгиз?

— Таклов.

— Кечирасизу, ушбу ойнинг ўзидан сиз олти марта телефон олган экансиз, нима уларни йўқотиб қўйдингизми?

— Йўғ-э, қаёққа ҳам йўқотардим, нимагадир уларнинг тезда батареяси «ўтириб» қолапти.

Ф. МАМАШАРИПОВ тайёрлаган

Моҳият

Ҳаракатчан кишилар одатда омадли бўлади, аксинча, қиладиган ишларини ҳадеб ўйлайверади ва сусткашлик қиладиганларга омад камдан-кам насиб этади.

ГЕРОДОТ

Душанба куни Нобель фонди шу йилги мукофотлар топшириш маросими бўлиб ўтадиган саналарни маълум қилди. Нобель қўмитаси физика фани бўйича котиби Андрес Барани берган маълумотга кўра ушбу мукофотнинг медицина соҳаси бўйича совриндор номи 8 октябрда, физика соҳасидаги совриндор номи 9 октябрда, кимё фани бўйича совриндор номи эса 10 октябрда

ТУЗАТИШ

Газетамизнинг ўтган #33 (194) 15 - август сонидан чоп этилган «Умидлар сўнган жойда...» номли мақола муаллифи «М. Қаҳҳоров, Акмал Икромов тумани прокурори ўринбосари, адлия кичик маслаҳатчиси» деб ўқилсин.

ТУРФА ОЛАМ

НОБЕЛЬ МУКОФОТИ ЭҒАЛАРИНИ КУТМОҚДА

маълум бўлади. Шунингдек, шу куни иқтисодиёт соҳасидаги совриндор номи ҳам эълон қилинади. Тинчлик мукофоти эса 12 октябр куни ўз эгасининг қўлига тегади.

Мазкур йилда ушбу нуфузли мукофот топширилган санага роппа-роса 100 йил тўлади. Албатта, кўпчиликини бу йилги совриндорларга Нобель бобо меросидан қанча тегиши қизиқтириши турган гап. Совриндорлар бу сафар ҳам анчагина - 980 минг АҚШ долларига тенг мукофот соҳиби бўлишади.

Самарқанд вилояти Булунгур туманидаги Ю.Ражабов номи 6-ўрта мактаб томонидан 1984 йилда Мамашуқов Мардон Саттаровичга берилган № 249936 рақамли аттестат йўқолганлиги сабабли бекор қилинади.

Республика прокуратураси жамоаси нафақадаги собиқ прокуратура ходими

Калима АЛИАХУНОВанинг вафот этганлиги муносабати билан марҳумнинг оила аъзоларига чуқур таъзия изҳор этади.



Дарё шундай жилғалардан бошланади.